

КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН ҚАДРИ, ЭРКИНЛИК, ТЕНГЛИК ВА АДОЛАТ ГАРОВИ!

Маҳкам МАҲМУД

Ҳақида сўз борса, ҳазиллашиб уни «Ўзбекнинг Сахарови» деган гап кўп бора айтилган. Ҳалоллиги, ростгўйлиги ва илмга фидойилиги боис шундай таъриф берилганига шубҳа йўқ.



»»8

Мадина СУЮНБОЕВА:



Озодбек ҳар гап спорт мусобақаларида рақиблари билан беллашаётганида, галабасини кутиб турамин. Аммо Тошкент вилояти ҳокимининг ташақкурномаси кутилмаган ҳодиса бўлди.

»»4

Инсон қадрини улуғлаш, аҳолига янада қулай шароит яратиш, иқтисодий ва ижтимоий соҳада янги имкониятлар эшигини очиш – олинаётган барча марра ва режаларнинг бош мақсади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Жаҳолатга қарши маърифат

№ 48
(9311)

МАШЪАЛ

2025 йил
28 ноябрь
жума
1932 йил
17 февралдан
чиқа бошлаган

Ўрта Чирчиқ тумани ва Нурафшон шаҳри ижтимоий-сиёсий газетаси



ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ОРЗУСИ

” **Ногиронлиги бўлган шахсларга жамиятда ижтимоий мослашуви ва интеграцияси учун ёрдам бериш, уларнинг бандлигини таъминлаш, инклюзив муҳит яратиш ва назорат қилиш Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фаолиятининг устувор йўналишини ташкил этади. Шу маънода Ўрта Чирчиқ туманида изчил ишлар амалга оширилмоқда.** »»2

ТОЗА ҲАВО УЧУН БИШ ТАКЛИФ

Тошкент ва бошқа шаҳарларда ҳавонинг ифлосланиши кутилмаган, ўз навбатида, кутилган ҳодиса эди. Бу каби вазиятларнинг олдини олиш учун қуйидаги чоралар амалга оширилиши лозим, назаримда.

1. Тошкент ва унинг атрофидаги мазут ва кўмир ёрдамида фаолият юритаётган корхоналар ислоҳ қилиниши керак. Уларнинг аксариятида ҳаво филтрлари авария ҳолатида эканлиги аён бўлмоқда.
 2. Сунъий сув ҳавзаларини барпо этиш керак.
 3. Катта шаҳарлардаги қурилиш жараёнига чеклов ва талабларни кучайтириш керак. Қурилишлар кескин кўпайгани туфайли ҳавога меъёридан ортиқ чанг кўтарилаётгани, айниқса, майдон зарурати сабабли дарахтлар кесилаётгани мутахассислар томонидан бот-бот таъкидланмоқда.
 4. Битта дарахт кесилишини ҳам фожиа даражасига олиб чиқиш керак. Дарахт кесганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланиши лозим.
 5. Мактабларга экологик тарбия тўғрисида дарс соати қўйилиб, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси таълим ва тарбия соҳасини ҳам қамраб олиши зарур.
- Энг асосийси эса Тошкент экологиясини яхшилаш бўйича Махсус комиссия амалга ошираётган чора-тадбирларга сўзсиз риоя этилиши жамоатчилик томонидан қатъий назорат қилишини талаб этилади.

Миршод РЎЗИЕВ,
ўқитувчи.



Тақдимот

Матонат

ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Нурафшон шаҳридаги «Ватанпарвар боғи»да «Матонатли Марям» фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Фильм бош қаҳрамони Марям Султонмуродова Хоразм қизи. У XX аср бошида Германияда таҳсил олган. Ҳужжатли фильмда жадид аёллардан бирининг тақдир синовлари қаршисида мардлик намунасини кўрсатгани, Ватан ва халқ манфаатлари учун ҳаракат қилгани ҳикоя қилинади.

– Бу каби тақдимотнинг «Ватанпарвар боғи»да ва хотин-қизларга «Зўравонликка қарши ўн олти кунлик фаол ҳаракат» доирасида ташкил этилгани рамзий маъно касб этади, – дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Нурафшон шаҳри бўлини маси раҳбари Нигора Шоумарова.

Мазкур фильмининг ҳар куни кечки соатларда «Ватанпарвар боғи»даги йирик экранда намойиш этилиши кутилмоқда.



Абдурауф ФИТРАТ:

Ҳар бир миллатнинг саолати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади.

МАЪРИФАТИ БОЙЛАР ВА МАЪРИФАТЛИ БОЙЛАР, «МАШЪАЛ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛИНГ!

ОБУНА – 2026

Суварак атом бомбаси портлагандан кейин ҳам яшар экан. Аммо, ўралган газета билан урилса, у ўлади. Оммавий ахборот, айниқса, газета мана шундай кучга эга.

2026 ЙИЛ УЧУН 396,000 СЎМ ЭВАЗИГА ОБУНА БЎЛИНГ.

Обуна тахририят ва почта филиалларида расмийлаштирилади.



НАШР ҚЎРАТКИЧИ – 7024

ИЖТИМОЙ ЖАМИЯТ ОРЗУСИ



Гавҳар ДАДАМАТОВА,
Ўрта Чирчиқ тумани
«Инсон» ижтимоий
хизматлар маркази
директори

Ижтимоий хизмат кўрсатиш орқали жамиятда мўтадиллик ва инсонпарварлик, тенглик таъминланади. 2023 йил 1 июнь куни «Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар

ҳимоя йўналишида Президент портали, вилоят ва туман ҳокимликларига 72 та мурожаат келиб тушган ва уларга ҳуқуқий ечим берилган. Асосийси, маҳалла даражасидаги бевосита ва тизимли мулоқотлар самараси ўлароқ мурожаатлар 2024 йилнинг ҳисобот даврига нисбатан қарийб 50 фоизга камайган. Ҳозирги кунда маҳаллалардаги ижтимоий ходимлар кўмаги билан туманда 60 дан ортиқ минилойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахсларга жамиятда ижтимоий мослашуви ва интеграцияси учун ёрдам бериш, уларнинг бандлигини таъминлаш, инклюзив муҳит яратиш ва назорат қилиш

ногиронлиги бўлган шахслар ПОМ ва РТВ маҳсулотларини олиш учун навбат кутар эди. Ҳозирги кунда эса ҳеч қандай навбатсиз 3 кун давомида ваучер асосида

Ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай яшаш шароитлари ва тенг имкониятлар яратиш орқали ижтимоий жамият орзусини рўёбга чиқариш мумкин. Шу мақсадда Ўрта Чирчиқ тумани «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази йўлланмаси билан 134 нафар ногиронлиги бўлган шахс адаптив спортга жалб қилинган.

улар ушбу маҳсулотлар билан таъминланмоқда.

Жорий йил бошида Ўрта Чирчиқ туманида 287 нафар ногиронлиги бўлган шахснинг бандлигини таъминлаш мақсад қилинган эди. Ҳисобот даврида «Инсон» маркази томонидан 295 нафар шахснинг бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини мониторинг қилиш бўйича my.ihma.uz платформаси ташкил қилиниб, 26 та тадбиркорлик субъектлари томонидан 135 та бўш иш ўринлари эълонга берилди ҳамда бу орқали 284 нафар ногиронлиги бўлган шахс ишга жойлаштирилди.

Маълумки, тегишли Президент фармонида асосан 2025 йил 1 июндан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларни камидан 3 ой расмий иш билан банд қилган ҳамда энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўлаб борган иш берувчига ҳар бир бандлиги таъминланган ногиронлиги бўлган шахс учун 3,8 миллион сўмгача субсидия берилди.

Ўрта Чирчиқ туманида ногиронлиги бўлган шахсларнинг 582 нафарини болалар ташкил этади. Бугунги кунга қадар 147 нафар

бола Психологик-тиббий педагогик комиссия кўригидан ўтказилди.

Хусусан, уларнинг 22 нафари умумий ўрта таълим мактаблари Инклюзив синфларига, 2 нафари мактабгача таълим ташкилотларидаги Инклюзив гуруҳларга, 95 нафари ихтисослаштирилган мактаб-интернатларига, 12 нафари кўп тармоқли мактабгача таълим ташкилотига, 12 нафари кундузги парвариш хизматига, 3 нафари ғамхўрлик гуруҳи ва 1 нафари Мурувват уйига йўналтирилган.

Ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги парвариш хизматини

ташкил қилиш мақсадида тадбиркорлар билан битим тузилиб, давлат-хусусий шерикчилиги асосида мазкур хизмат ишга туширилди. Ҳозирда 7 нафар бола қамраб олинган. Бу орқали ногиронлиги бўлган фарзанди парвариши тўғрисида уйда ишсиз ўтирган ота-оналарга меҳнат қилиш имконияти яратилди.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай яшаш шароитлари ва тенг имкониятлар яратиш орқали ижтимоий жамият орзусини рўёбга чиқариш мумкин. Шу мақсадда Ўрта Чирчиқ тумани «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази йўлланмаси билан 134 нафар ногиронлиги бўлган шахс адаптив спортга жалб қилинган. Параспорт бўйича спорт мактабларида 6 та гуруҳ ташкил қилинган бўлиб, уларда 3 та тренер-ўқитувчилар фаолият юритмоқда.

Ўрта Чирчиқ туманидаги маҳаллаларда ижтимоий ходимлар томонидан ногиронлиги бўлган шахслар иштирокида минилойиҳаларни амалга ошириш, имконияти чекланган ёшларни спортга жалб қилиш ишлари давом этади. Шу эзгу ишлар орқали ижтимоий жамият орзусини рўёбга чиқариш йўлида ҳаракат қиламиз.

Қисқа сатрларда

Камбағаллик қисқартирилиб, бандлик таъминланади

Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти ҳокими Зоир Мирзаев камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида мурожаат қилди.



Зоир Мирзаев ўз мурожаатида белгилаб олинган устувор вазифалар асосида вилоят ҳудудини камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш ҳамда бошқа бир қатор муҳим соҳаларда «Тошкент тажрибаси»ни яратиш мақсад қилинганини таъкидлади.

Вилоят ҳокими соҳада қилинаётган ишлар ва мавжуд вазиятни танқидий таҳлил қилди ва келгуси вазифаларни белгилаб берди.

Маҳаллалар номи ўзгарди

Нурафшон шаҳридаги «Обод турмуш» ва «Хуррият» маҳаллалари номи ўзгарди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг тегишли қарори билан Нурафшон шаҳрида олти та маҳалла қисқарган эди. Жумладан, «Чигирик» ва «Хуррият» маҳаллалари негизда «Хуррият» ҳамда «Обод турмуш» ва «Эвалак» маҳаллалари негизда «Обод турмуш» маҳаллалари ташкил этилган.

Аҳолининг хоҳиш-истаклари ва мурожаати инобатга олиниб, Халқ депутатлари Нурафшон шаҳри Кенгашининг 2025 йил 30 октябрдаги тегишли қарори билан «Чигирик» ва «Хуррият» маҳаллалари негизда «Чигирик» ҳамда «Обод турмуш» ва «Эвалак» маҳаллалари негизда «Эвалак» маҳаллалари ташкил этилди. Шу орқали «Чигирик» ва «Эвалак» номи қайта тикланди.

Ўрта Чирчиқда «Зарбдор тажрибаси»

Ўрта Чирчиқ тумани ҳокими Ихтиёр Касимов маҳаллаларда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга қаратилган лойиҳалар тақдимоти билан танишди.



«Зарбдор тажрибаси» асосида Ўрта Чирчиқ туманидаги «Олтиўғил», «Дархон» ва «Аранчи» маҳаллаларида инфратузилмани яхшилаш, ҳудудларда туризм зоналарини ташкил этиш белгилаб олинган. Туман ҳокими лойиҳалар билан танишгач, масъул ташкилотлар мутасаддиларига тегишли топшириқлар берди.

Коррупцияга қарши курашмоқ керак

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Нурафшон шаҳри бўлимида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда жамғарма тизимида 2025 йилнинг 1 ноябрдан 30 ноябргача «Коррупцияга қарши курашиш ойлари» эълон қилингани таъкидланиб, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани, коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши эканлиги ва бу иллатга қарши мурасасиз курашиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Шарофиддин САРИМСОҚОВ,
Пенсия жамғармаси Нурафшон шаҳри бўлими бошлиғи.

ЭЗГУЛИК ДИРЕКТОРЛАР БОҒИ

Ўрта Чирчиқ туманидаги 40-мактабда «Директорлар боғи» ташкил этилди.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсуми кизгин давом этаётган шу кунларда Ўрта Чирчиқ туманидаги 5-мактаб директори Элдор Ҳайитбоев, 34-мактаб директори Мирзоҳид Мирағзамов ва 40-мактаб директори Улуғбек Мухиддинов «Директорлар боғи»ни ташкил этди.



Тошойна

ТАБИАТ ХАТОНИ ҚЕЧИРМАЙДИ!

Ҳаво нега ифлослангани сабабларини билсак, шу сабабларни бартараф этганда, ҳаво тозаланишини биламиз... Бошладик.



ҲОЛАТ

Нега биз бўғилиб қоламиз ва деярли ўн йил давомида бугунги ҳаво сифатига қандай етиб келдик?!

Ўпкамизга кираётган бу ҳавони ютишга нималар мажбур қилганининг ҳақиқий сабаблари ҳақида мулоҳаза қилиш вақти келди, деб ўйлайман. Чунки ташхис аниқ бўлмаса, даволаш чоралари зое кетиши табиий.

Бу менинг тахминларим эмас, балки турли манбалардан олинган мета-таҳлил ва экологларнинг шарҳларидир.

Албатта, ҳавонинг ҳозирги ҳолати кеча ё бугун содир бўлиб қолган эмас ва тўсатдан иссиқхоналарда ёқилгани учун содир бўлди, демаймиз.

Шундай қилиб, бу масъулиятсизликнинг улкан намунаси эканлигини тушуниш учун мен кичик анамез туздим.

Тошкентда ҳаво ифлосланишининг сабаблари 7-8 йил давомида тўпланган хатоларнинг бир неча қатламдан иборат қасосидир.

ТИЗИМЛИ ХАТО

2017-2018 йилларда туб но-созлик юз берди.

Шаҳарда экологик экспертиза учун тасдиқланган бош режасиз ер сотиш ва қурилиш пойгаси бошланди. Шаҳарнинг ноёб жойлашувини (тоғ этак-

ларида) ҳисобга олган ҳолда қуриш ўрнига, расмийлар ҳаво ҳаракати физикасига эътибор бермай, кўп қаватли биноларни қуриб ташлаш учун «яшил чирок»ни ёқиб берди.

1. «Шамол атиргули»ни бло-кировка қилиш.

Асосий шаҳарсозлик хатоси ҳам шунда. Тошкентни тарихан шимол-шарқдан тоғ шамоллари (шабада) эсиб тозалаш келган, тунда тоғлардан шамол эсиб тушган ва шаҳарни кунлик тутундан тозалашган. 2018 йилдан бошлаб, шаҳарнинг шимол-шарқий қисмида (шамол келган жойларда) ва марказда кўп қаватли бинолар (12-16+ қават) хаотик тарзда қурила бошланди. Бетон «девор»лар шаҳарда шамол тезлигини пасайтирди. Тутунни табиий равишда пуфлашни тўхтатди, дуд ва тутун фақат блоклар ичида турғунлаша бош-лади.

2. Кўмир «уйғониши» ва «иссиқхона ҳалқаси».

2022-2023 йилги қиш мавсумида энергия инқирози юз берди (табиий газ танқислиги). Фавқулодда чоралар сифатида саноат корхоналари, иссиқхоналар ва иссиқлик электр станцияларини кўмирга ўтказишни буюрилди. Тошкент атрофи, жумладан, Тошкент вилоятида минглаб гектар

иссиқхоналар мавжуд. Газ танқислиги сабабли уларни паст сифатли кўмир (Ангрендан жуда кўп кул ишлаб чиқарадиган жигарранг кўмир) ва ҳатто резина шиналар ёрдамида иситишга рухсат берилди

йиллик чинор ва эман дарахтларини йўқ қилишни давом эттирдилар, шунчаки жарималар тўлашди (бу уйдан олинадиган фойда билан солиштирганда кулгили эди). Катта дарахтлар ўрнига сояни таъминламайди-

чангланиш кучайган пайтда саноат корхоналари, транспорт, иссиқлик таъминоти ва бошқа соҳаларда чекловларни жорий қилиш, транспорт воситалари ҳаракатини чеклаш, автотранспорт воситаларининг, шу жумладан, давлат рақамига мос равишда тоқ ва жуфт саналарда ҳаракатланишни чеклаш амалиётини жорий қилиш (электромобиллар бундан мустасно), оқар сув объектларида сув объектлари қирғоқ муҳофаза минтақа зоналарида қурилишни тақиқлаш ва экологик вазиятни яхшилаш билан боғлиқ ва бошқа ваколатлар берилди.

Махсус комиссиянинг унга юклатилган вазифалар ва берилган ваколатлар доирасида қабул қилинган қарорлари, кўрсатмалари барча давлат органлари ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий эканлиги белгиланди.

ҚИСҚАЧА ХУЛОСА

Тизим хатоси узок муддатли режалаштиришдан кўра тез фойда (қурилиш, автомобиль сотиш, носоз филтрларда тежаш)ни биринчи ўринга қўйиш эди.

Ўйлайманки, Тошкентда ҳаво муаммоси қишда кескин кучайганини ҳисобга олсак, асосий омил кўмир «уйғониш» даври ва «иссиқхона ҳалқаси», яъни иссиқхоналар ва иссиқлик электр станцияларини газдан ажратиш бўлди.

Яхши эсламан, улар буни иссиқхоналар билан қилишни бошланганида (айтмоқчи, 2022-2023 йиллардаги кишки инқироздан олдин ҳам), мутахассислар ушбу чоранинг зарарли эканлигини таъкидлаган эдилар.

Табиий шароитларни сунъий равишда йўқ қилишнинг бадали оғир ва қиммат бўлиши мумкин. Шаҳарсозлик соҳаси, умуман олганда, ҳар қандай йўналишда табиат билан ҳисоблашиш лозим. Зотан, табиат хатони кечирмайди!

Карим БАҲРИЕВ

(ёки бошланди). Тошкент тутун билан ўралган эди.

3. Автомобиллар ва евро-2 ёқилғисини назоратсиз олиб кириш.

Ўзбекистон хорижий автомобилларнинг божхона расмийлаштирувини соддалаштирди ва бир неча йил ичида Тошкентда автомобиллар сони қарийб икки баравар ортди. Аммо бу муаммонинг ярми. 2025 йилгача энг машҳур бензин АІ-80 эди. Аслида, бу 2 йил олдин дунё тарк этган евро-20 стандарти. У жуда катта олтингугурт таркибига эга. Автомобилларнинг катта қисмидан (жумладан, янги кобалт, жентра ва эски хорижий автомобиллар) каталик конверторларни олиб ташлади. Бундай қурилмаларсиз битта машина 10-15 та хизмат кўрсатадиган машина каби ҳавони ифлослантиради. 2025 йил сентябрь ойдан бошлаб, Ўзбекнефтгаз АІ-80 ни сотишни расман тўхтатди, аммо оқибатлари (катализаторсиз эски флот) йиллар давомида сақланиб қолади.

4. Яшил филтрни йўқ қилиш.

Дарахт барглари чангни (PM) ушлаб турадиган жисмоний филтрдир. 2019 йилда эълон қилинган ўрмонларни кесилган мораторий бўлишига қарамай, қурувчилар етук кўп

ган ва ҳавони деярли филь-трламайдиган ингичка кўчатлар асосан, арча экилди.

5. Қурилиш, чанг ва тупроқ эрозияси.

Шаҳар катта қурилиш майдонига айланди. Қурилиш майдончаларида очик ер суғорилмайди ёки қопланмайди. Ҳар қандай шабада тонна-лаб чангни ҳавога кўтаради. Ариқлар ва каналларни кўмиб ташлаш эса микроклимни қуриштиришга олиб келди. Нам ҳаво тўхтатилган зарраларни қуруқ ҳаводан яхшироқ ушлаб турган бўлар эди.

МАХСУС КОМИССИЯ

2025 йил 25 ноябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича махсус комиссия тузилди. Унга раҳбар этиб Ўзбекистон Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси – Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов тайинланди.

Махсус комиссияга табиий

Ўзбек ойим нима дейди?



Эркак дўпписини АЁЛ ЭМАС, эркакнинг ўзи кийсин!

Ўзбек халқининг бой маданияти ва миллий анъаналари орасида дўппининг алоҳида ўрни бор. У фақатгина бош кийими эмас, балки миллатнинг ўзига хослиги, эстетик диди ва маънавий меросини ҳам намоён этувчи рамз ҳисобланади.

Тошкент вилоятида эркаклар орасида қалампир нақши туширилган Чуст ва Андижон дўппилари асосан оммалашган. Хотин-қизлар учун эса ироқи ва нозик дўппилари турфга кирган. Дўппининг урлари ва уларнинг гулларида рамзий маънолар, тарихий ва этногра-

фик маълумотлар мужассам.

Айниқса, эркаклар дўпписида эркакларга хос жасорат, матонат, куч-қудрат, мардлик, жасурлик, мардонаворлик ва ҳалоллик каби тимсоллар бўлиб, шу сабабли кўпинча ёши улуглар томонидан ёш йигитларга кийгазилади. Айрим ҳудудларда дўппи тўхфа сифатида берилиб, у орқали эҳтиром кўрсатилади.

Аммо, кейинги пайтларда бизни бир нарса кўп ўйлантиради. Ҳозирги кунда нима учун айрим аёллар эркакларнинг дўпписини бошларига кийиб олмоқда?

Иккинчи жаҳон уруши даврида кўпгина эркаклар фронтга жўнаб кетганларида, уларнинг ўрнига ишчи кучи сифатида аёллар бошларига эркакларнинг дўппиларини кийишганликлари ҳақида кўп эшитганмиз.

Бир нарса хотирамда қолгани учунми аёл эркакнинг дўпписини кийишини ҳеч қабул қила олмайман. Ёшлик чоғларимизда «Паранжи сирлари» деган спектакль бўлар эди. Шу спектаклда қўшмачи хотин доимо бошида эркак дўппи, оёғида эркакча этик, белида

белбоғ ва қўлида қамчи билан сахнада роль ижро этарди. Балки шу таассуротлар менда ёмон ҳис уйғотганми, билмадим... Эркак дўпписи аёлнинг бошида эканлигини қабул қила олмайман. Аёлларга хос дўппилар кўп-ку! Келинлар, опа-сингиллар, эркак дўпписини эркакларнинг азиз бошидан олиб қўймайлик!

Ўзбек дўпписи – бу, халқимизнинг маънавий кўрғони, миллий ифтихори ва ўтмиш билан боғловчи беқиёс кўприқдир. Уни асраш, қадрлаш ва келажак авлодга мерос қолдириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Зеро, миллий қадриятлар йўқолса, миллатнинг руҳи ҳам заифлашишини унутмаслик керак. Дўппи кийиш маданияти эса миллий қадриятимизнинг ажралмас қисмидир.

Баҳринисо СУЛТОНАЛИ қизи, «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими ҳузуридаги «Бувижонлар мактаби» раҳбари.

ИККИНЧИ ФИКР



Мен ижро этилаётган кўшиқнинг матнига ва бу матнни хофиз қай даражада англаб ижро этаётганига кўпроқ эътибор қаратаман. Чунки мусиқада бўлгани каби шеъринг байтларнинг ҳам ўзига муносиб қочиримлари бўлади. Дейлик, мутойиба аралашган бирор байтни ёки ғазални «Гиря» йўлида ғоят ҳазин оҳангларда ижро этиш жоиз эмас. Билъакс, ҳазин байт ёки ғазални ниҳоятда шўх-шодон оҳангда ижро этиш ҳам ярамайди.

Абдулла ОРИПОВ

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН!



Она учун фарзанднинг муваффақиятидан ортиқроқ бахт борми-йўқми, билмадим, менимча, бўлмаса керак. Оқ ювиб, оқ тараб, яхши орзу-умидлар билан вояга етказган болангизнинг ортидан яхши гап эшитсангиз, раҳмат айтишса, дунёда Сиздан да бахтли одам топилмаса керак. Шу кунларда ўғлим Озодбек Янги Ўзбекистон тимсоли бўлган Олимпия шаҳарчасида бошланган Президент Олимпиадасида қатнашпти. Мамлакатимизда биринчи марта ўтказилаётган, бутун юртимиз ёшларини Олимпия асосида бирлаштираётган ушбу спорт байрамида боланинг иштирок этаётгани менга, оиламизга жуда катта ифтихор бағишлайди.

У спортнинг таэквандо WTF тури билан ўн йилдан бери шуғулланиб келади. Спортдаги фаолияти давомида бир қанча ютуқларга эришганини фахрланиб айта оламан. Ўғлим мени «Икки қарра Ўзбекистон чемпионининг онаси», деган шарафга муяссар этган.

Озодбек ҳар гал майдонга тушиб, спорт мусобақаларида рақиблари билан беллашаётган

нида, ғалабасини кутиб тураман. Аммо бу эътироф – Тошкент вилояти ҳокимининг ташаккурномаси қутилмаган ҳодиса бўлди. Жуда ҳаяжонландим.

Озодбек мактабга чиққач, йигит учун спорт керак, дея отаси тўғаракка берди. Мураббийси Қувондиқ Сайдиев биринчи марта мусобақага олиб борганида, 2-синф ўқувчиси эди. Ушанда Самарқанддаги мусобақада олтин медаль билан қайтганида барчамиз бирдек қувонганмиз. Ташаккурномани қўлимга топширишганида, шуларни эсладим. Ҳозирги кунда ўғлим Тоҳир Тоғаймуродов мураббийлигида спорт билан шуғулланиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат

Мирзиёев Президент Олимпиадаси ўйинларининг очилиш маросимидаги нутқида шундай деди:

– Иродаси кучли инсон, халқ ва миллатни энгиб бўлмайди. Айниқса, спорт қандай буюк куч, қандай юксак ўрнатма ва намуна эканини бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган сиз, ҳурматли спортчиларимиз, соҳа фахрийлари, устоз-мураббийлар яхши биласиз. Агар сизлар ўзингиздаги катта тарбиявий салоҳият ва ҳаётий тажрибани ёшларимизга сингдирсангиз, уларни билимли ва ақлли, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга ҳисса қўшсангиз, сизлардан халқимиз ҳам, Президент ҳам миннатдор бўлади. Мен бу

борада спортни тарбиядан, тарбияни эса спортдан айри ҳолда тасаввур этолмайдиган сиздек ҳурматли спортчилар, фахрийларимиз ва устоз-мураббийларга таянаман.

Президентимизга таянч бўладиган, Президентимиз ишонган ўғилни ўстираётган эканмиз, бу йўлда собит давом этамиз. Насиб этса, Озодбекнинг болаларини ҳам спорт билан, соғлом турмуш тарзи билан ҳамнафас тарзда вояга етказамиз, дея ваъда бераман.

Ҳокимлик вакиллари ҳурмат қилиб, эъозлаб, йўқлаб келди. Бунинг учун Тошкент вилояти ҳокимлиги, хусусан, вилоятимиз раҳбари Зойир Мирзаевдан беҳад миннатдоримиз, ташаккурнома учун ташаккур айтаемиз!

Мадина СУЮНБОЕВА,
Президент Олимпиадаси
иштирокчиси
Озодбек РИСБЕКОВнинг
онаси.

Ўрта Чирчиқ тумани
«Тошлоқ» маҳалласи.

ОФАРИН!



Ёшлар бизнинг келажакимиз, давлатимизнинг таянчи ва ғуруридир. Уларнинг билимли, ватанпарвар ва ташаббускор бўлиб вояга етиши – бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.



Баркамол авлод орзуси

Мамлакатимизда ёш авлодга бўлган эътибор, давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликлар ифодаси ўлароқ иқтидорли, ҳар жабҳада ўз истеъдодини намойиш қила оладиган салоҳиятли ёшларимиз кўпайганидан далолат беради.

Бугунги авлод – келажакни яратувчилардир. Шу боисдан тарбия аввало оиладан, таълим эса богчадан ва мактабдан бошланиши, уларнинг келажакда оқил ва билимдон бўлиб вояга етишларида ота-она, тарбиячи ва устозларнинг берадиган билимлари, насиҳатлари нечоғлиқ катта аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас.

Аслида, барча болада алоҳида истеъдод яширин, фақат уни сезиш, вақтида қўллаб-қувватлаш ва юзага чиқариш лозим. Ана шундай имкониятлар эшиги очилган даргоҳларда иқтидорли болаларнинг истеъдоди юзага чиқиб, митти юлдузчалардек ёғду таратибгина қолмай, балки чарақлаб нур сочадилар.

«БАРКАМОЛ АВЛОД» ифтихорлари

Нурафшон шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар мактаби ана шундай иқтидорлар маскани бўлиб, бугунги кунда нафақат вилоят, балки мамлакат миқёсида ҳам яхши натижаларга эришаётган даргоҳлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

«Баркамол авлод» болалар мактаби ва унинг ўқувчилари бугунги кунда Нурафшон шаҳрининг фахри ва ифтихорига айланди. 25 нафар педагог-ҳодим фаолият кўрсатаётган мазкур масканда 7 та йўналишда 13 номдаги тўғаракда 625 нафар ўқувчи камраб олинган бўлиб, асосан, умумий ўрта таълим мактаблари, давлат мактабгача таълим ташкилотларида тўғарак машғулоти тармоқ шаклида олиб борилмоқда.

Маданият ва санъат йўналишида «Миллий рақс» тўғараги, техника конструкторлиги ва моделлаштириш йўналишида «Робототехника ва конструкторлик» ва «Компьютер дизайни ва графикаси» тўғараклари, жисмоний тарбия йўналишида «Бадий гимнастика» ва «Жанг санъати», туризм ва экология йўналишида «Оила ҳамшираси» ва «Тасвирий санъат» тўғараклари, олий таълим муассасалари ва мактабга тайёрлов йўналишида «Менталь арифметика» ва «Олий математика» тўғараклари, хорижий тиллар йўналишида инглиз, корейс ва рус тиллари ўқитилишига ихтисослашган тўғаракларда ўқувчилар ўз билим ва салоҳиятларини оширмоқдалар.

Дубайдаги фахрли ютуқлар

«Баркамол авлод» мактабининг «Менталь арифметика» тўғараги аъзолари шу йилнинг 16 февраль санасида ўтказилган олимпиадада яхши натижаларга эришиб, Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро олимпиадада йўлланма олдилар.

Шу йилнинг 30 октябрдан 5 ноябргача менталь арифметика бўйича бўлиб ўтган халқаро олимпиадада 4-умумий ўрта таълим мактабининг 2-синф ўқувчиси Алимардон Маҳмудов, Нурафшон шаҳридаги 2-мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиси Отабек Исмоилов, 25-умумий ўрта таълим мактабининг 2-синф ўқувчиси Сардорбек Фурактов иштирок этиб, Ўзбекистон шаънини муносиб ҳимоя қилдилар.



– Алимардон Маҳмудов белгиланган 10 дақиқа вақт оралиғида 100 та саволнинг жавобларини белгилади. Билимдон ўқувчи олий ўринни эгаллаб, бош соврин соҳиби бўлди. Алимардон халқаро кубок ва сертификат ҳамда планшет билан тақдирланди. Сардорбек эса фахрли 1-ўринни эгаллади, – дейди фахр билан тўғарак раҳбари Гулбахор Саидбоева.

– Энг кичик иштирокчи Отабек ҳам ўндан ортиқ давлат вакиллари иштирок этган мусобақада фахрли 1-ўринни эгаллаб, юртимиз шарафини ҳимоя қилди, – дейди устози Дилрабо Алиқулова сўхбатни давом эттириб.

Дарвоқе, 2-мактабгача таълим ташкилотидидаги «Менталь арифметика» тўғарагида 40 дан зиёд кичикинтойлар иштирок этмоқда. Уларнинг орасида Отабек сингари иқтидорли болалар кўп.

Ҳали болалар билан мулоқот чоғида улар Ўзбекистон байроғини тўтиё қилиб, ғалаба наҳидасини ҳис қилганликларини болаларча беғуборлик билан айтганларида, устозларининг юзларида мамнунлик ифодаси зоҳир эди.

«Бойчечак»нинг бойчечаклари

«Баркамол авлод» болалар мактабининг «Бойчечак» миллий рақс тўғарагида 50 нафар иштирокчи бор. 2017 йилдан буён фаолият юритиб келаятган тўғаракни моҳир хореограф Гулбахор Бектошева бошқариб келмоқда.

«Бойчечак» рақс дастасининг Умида Исаева, Наргиза Абдуҷабборовва, Севдора Абдукаримова, Нилуфар Раҳматжоновва,

Фотима Богданова сингари бойчечаклари шу йил Туркистон шаҳрида ўтказилган «Шаг вперед» деб номланган рақс танловида қатнашди. Минтақавий танловнинг яккахон рақс ва ғуруҳнинг «Шодлик» рақсини ижро этиб, бош соврин соҳибаси бўлдилар. «Бойчечак»нинг бойчечаклари олий ўринни эгаллаб, кубок ва медаллар билан тақдирландилар.

Шунингдек, миллий рақс дастасининг яна 6 нафар иштирокчиси фахрли биринчи ўринни эгаллаб, танлов ғолиби бўлдилар. «Бойчечак» рақс дастасининг жажжи раққосалари Севдора ва Нилуфар Туркияда бўлиб ўтадиган рақс танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган бўлса, ғуруҳнинг ўзи шу йилнинг ноябрь ойида Чимкент шаҳрида бўлиб ўтадиган рақс танловида бепул йўлланма билан иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган.

«Баркамол авлод» болалар мактабининг «Бадий гимнастика» тўғараги аъзолари ҳам турли танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Яқинда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган танловда Шаҳзода Ғофурова раҳбарлик қилаётган тўғаракнинг 2 нафар аъзоси 1-ўринни, 3 нафари 2-ўринни ва 1 нафари 3-ўринни эгаллади.

Буларнинг барчаси Илҳом Ортиқбоев раҳбарлик қилаётган «Баркамол авлод» болалар мактабининг эришаётган ютуқлари, қўлга киритаётган зафарли натижаларидир. Уларнинг тимсолида юртимизда камол топаётган баркамол авлод орзусини, умид ва мақсадларини ҳис қилиш мумкин.

Анора КАРИМОВА,
«Машъал» мухбири.

2025 йил 28 ноябрь № 48 (9311)

Акс-садо

Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатдан ҳам ҳаёт-мамонт масаласига айланиб бормоқда.

Шу нуқтаи назардан, бугунги тараққиёт талабларидан келиб чиқиб, мамлакатимиздаги таълим-тарбия муассасаларига жамиятдаги ёндашув ва муносабатлар тубдан ўзгариши, масалан, чин мусулмон масжидларга қандай муносабатда бўлса, жамиятимизда яшаётган барча кишилар таълим-тарбия муассасаларига нисбатан ана шундай муносабатда бўлмоғи лозим. Яъни, масжид мусулмонлар учун нақадар муқаддас ҳисобланса, таълим-тарбия муассасалари жамиятда яшаётган барча одамлар учун ана шу даражада муътабар саналиши лозим. Бу ўринда масжидда хизмат қилаётган имом ва бошқа ходимларнинг савияси бўйича ўзига хос талаблар бўлгани каби, таълим-тарбия муассасаларида ишлаётган педагоглар савияси ҳам шунга мувофиқ талаблар даражасида бўлиши зарур.

«Қачонга фақат ўқитувчилар айбдор бўлади?» мақоласининг муаллифи Достонбек Шарипов ўқитувчилик дипломи бўлган ҳар ким ҳам устозлик шарафига лойиқ эмаслигини қайд этган. Дарҳақиқат, ҳар қандай ўқитувчи чуқур билим ҳамда педагогик истеъдодга эга бўлиши зарур, яъни ўқитувчилик унинг табиатида бўлиши

ЎҚУВЧИНИНГ ХАТОСИ Э ЎҚИТУВЧИНИНГ ЖАЗОСИМИ?

«Машъал» газетасининг 2025 йил 21 ноябрдаги 47-сонида «Қачонга фақат ўқитувчилар айбдор бўлади?» сарлавҳали мақолани ўқиб, ўз мулоҳазаларимни баён қилгим келди.

лозим. Бу борада олимлар ўқитганидек, аслида ҳар қандай одам ўқитувчи бўлавермайди, ҳар қандай мутахассис ҳам ўқитувчилик қила олмайди. Дунёдаги барча касб-ҳунар, мутахассисликлар ичида ўқитувчилик энг қийини ва айни пайтда энг шарафли фаолият туридир. Шарафлилик мақоми шундаки, ўқитувчи бошқаларга илм беради. Бу ҳақда улуғ аллома Абу Ҳомид Мухаммад ал-Фаззолий «Ким илм олса, унга амал қилса ва бошқаларга ўргатса, у киши осмонларда улуғ инсон деб чақирилади. У одам қуёш кабудирки, бошқалар учун зиё тарқатади ва ўзи ҳам зиёлидир ёки мушки анбар кабудирки, бошқаларни хушбўй қилади ва ўзи ҳам хушбўйдир», деб ёзади.

Жамиятда ўқитувчилик мақомининг юқори бўлиши зарурати ва қонунияти айни шу мезонлар билан белгиланади. Ҳар бир ўқитувчи ва бутун жамиятда шу англамас ва бу борадаги ёндашув ва муносабатлар

шунга мувофиқ бўлмас экан, таълим-тарбияда ва умуман бутун жамиятда муаммолар кўпайиб, жамиятда ривожланиш юз бермайди. Шунинг учун таълим-тарбияга тегишли қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мукамал бўлиши, уларда таълим муассасалари ҳамда педагог ўқитувчиларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий мақоми, ҳуқуқи, бурчи, вазифаси, масъулияти, ваколати, билим-малака савияси ҳамда бу борадаги ёндашувларга доир реал талаб ва тартиб-қоидалар аниқ-равшан белгиланиши лозим. Зеро, Германия Империясининг биринчи канцлери Отто фон Бисмарк айтганидек, ҳар бир давлатнинг ўқитувчи бўлган сиёсий муносабатида ўша мамлакатнинг қудрати ёки заифлиги намоён бўлади.

Бу ҳақда сўз кетганида, кейинги йилларда мамлакатимиз таълим тизимида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида бошланган

ислохотлар, бу борада ишлаб чиқилиб қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат ва дастурларда белгиланган вазифаларни мамнуният билан қайд этиш керак. Галдаги вазифа бу ишларни умуммиллий ҳаракатга айлантиришдан иборатдир.

Ўқиш, ўрганиш ҳам меҳнат. Бу жараёнда ўқувчи ҳам ақлий, ҳам жисмоний меҳнатни бажаради. Таълим-тарбия жараёнларида ёшларга ақлий ва жисмоний меҳнат тарбияси, тартиб-интизом, шу билан бирга, ҳалол меҳнат орқали пул топиш маданияти ўргатилиши ўта зарур. Таълим-тарбия жараёнидаги камчилик туфайли ноқулай вазиятлар содир бўлган тақдирда, уни ҳал этиш эмас, бундан нохуш ҳолатлар такрор кузатилмаслиги учун ҳаракат қилмоқ лозим. Токи, ўқувчининг хатоси ўқитувчининг жазоси бўлиб қолмасин.

Шавкат ТОҒАЕВ,
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти.



ЎЙИНЧОҚ МАШИНАЛАР рўзғорга реал даромад келтирмоқда

Тошкент вилоятининг айрим маҳаллаларида расмий иш жойига эга бўлмаган, оилавий шароити, ёш бола тарбияси туфайли ишлаш имконияти бўлмаган, шунингдек, ногиронлиги бўлган аёллар орасида уйда ўтириб даромад топиш – касаначилик ҳаракатини янада ривожлантириш мақсадида маҳаллаларда семинарлар ташкил этилмоқда.

Халқимизда «Қўлдан берганга қуш тўймайди», деган пурмаъно мақол бор. Албатта, бу мақол аслида маъжозий маънода айтилган, гап қуш тўғрисида эмас, балки инсон ҳақида. Дарҳақиқат, инсоннинг ўзи бирор бир нарсага интилмас, имконияти даражасида ҳаракат ва меҳнат қилмас экан, бошқалар томонидан унинг табиий эҳтиёжларини бир умр у истаганидек қондирилиши амри маҳол.

Лекин ораимизда турмуш шароити туфайли бирор жойда муқим меҳнат қилиши имконсиз – улардан бирининг ногиронлиги бўлса, бошқаси ёш болали ё қария қариндошлари парварishi билан андармон. Лекин инсон тирик жон, ҳомийлар ёки маҳалла томонидан берилмаётган кўмаклар унинг барча эҳтиёжини қондирилмаслиги ҳам бор гап. Хўш, мана шундай одамларга ўз уйида, нисбатан қийин бўлмаган иш касаначилик кўринишида тақдим этилса, нима бўлади? «Урта Чирчиқ тажрибаси» шуни кўрсатмоқдаки, албатта, яхши бўлади. Энг муҳими, инсон ўз меҳнати орқали жамиятга фойда, оилага даромад келтираётгани орқали юракдан ўтказадиган ҳисларни пул билан ўлчаб, сўз билан таърифлаб бўлмайди.

Гулнора Раҳимова «Кўкмўйин» маҳалласида ижтимоий ходим сифатида 2024 йилнинг май ойидан бери меҳнат қилади. Яқинда Урта Чирчиқ тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш

Харакат қилган киши борки, камбағал бўлмайди. «Темир дафтар» ё «Аёллар дафтари»да ёхуд «Ижтимоий ҳимоя Миллий реестри»да рўйхатда туриш соғлом ва ориятли одамнинг ҳамиятига тегади. Агарки, саломатлиги вафо қилиб турса, улар бу рўйхатларда бўлмасди, бироқ, шундай бўлса-да, имкон қадар ҳаракат қилишга, рўзғор тебратишга интилмоқда. Тирикчилик тошдан қаттиқлигини тушунган юртдошларимиз кўл билан берганга қуш тўймайди ҳам яхши ҳис қилади. Уларнинг ҳаракатчанлиги шундан бўлса, ажаб эмас.



бўлимнинг ташаббуси билан «Тараққиёт» маҳалласида ташкил этилган касаначиликка бағишланган семинарда у маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари ва улар билан келган касаначиликка қизиққанларга яхшигина «маҳорат дарси» ташкил этди, дейиш мумкин.

– 2024 йил бошида ёш фарзандим тарбияси билан уйда ўтирдим, – дейди Гулнора Раҳимова. – Биласиз, уйда ўтирган аёлнинг мингта бўлмаса-да, юзта юмуши бор. Лекин мен шу юмушларимдан ортиб касаначилик қилишга қарор қилдим. Турли ўйинчоқлар ишлаб чиқарувчи корхона билан гаплашдим, шу корхонадан уйимга қолипдан чиққан пластмасса

ўйинчоқларни келтириб беришарди. Мен фарзанд, рўзғор юмушларидан ортиб ушбу ўйинчоқларни кўрсатилганидек қилиб йиғиш ва қадоқлаш билан шуғулланардим. Қўлингиз ўрганганидан сўнг битта ўйинчоқни бир дақиқа атрофида йиғасиз, бир соатда 60-100 донагача. Ҳар бирига ўйинчоқ турига қараб 150 сўмдан 165 сўмгача ҳақ тўлашарди. Корхона ходими келиб қадоқланган ўйинчоқларни олиб, пулини нақд санаб берарди, яна янги ўйинчоқларни ташлаб кетарди. Тўғри, миллион-миллион сўмлаб даромад топмаганман, лекин ҳар ойда кўшимча бир миллион сўм атрофидаги маблағ бемалол фарзандимга тагликлар олишга, рўзғорнинг камига ишлатишга етиб турарди.

Гулнора ўз тажрибасини касаначиликка қизиққанларга гапириб бериш жараёнининг ўзидаёқ ўндан ортиқ ўйинчоқларни йиғишга улгурди, аёлларга уларни қандай йиғишни ўргатди. Туманнинг турли ҳудудларидан келган, касаначиликка қизиққан аёллар ҳам қизиқиб ўйинчоқларни йиғиш жараёнида иштирок этди.

– Асосийси, сабр, баъ-

зи маҳаллаларда бу иш билан шуғулланишга қарор қилиб, уйига минглаб ўйинчоқларни тушириб олиб, энди сабри чидамасдан касаначиликни йиғиштириб қўйганлар ҳам йўқ эмас, – дейди Гулнора Раҳимова. – Маҳаллага ижтимоий ходим бўлиб ишга кирганимдан сўнг уйда ўтирган аёлларни шу ишга қизиқтиришга ҳаракат қилдим. Хурсандман, ҳозирги кунда «Кўкмўйин» маҳалласида ўндан ортиқ аёллар айнан ўз уйларида ўйинчоқларни йиғиш билан шуғулланмоқда. Уларга хом ашёни келтириб бериш, тайёр маҳсулотни олиб кетиш ва жойида меҳнатларига ҳақ тўлаш бўйича муаммо йўқ. Бу ишда инсоннинг қўли чарчамайди, мия тўқималари эса дам олади, турлитуман рўзғор ва турмуш ташвишларидан чалғийди. Бу юмуш нафақат меҳнат, балки дам олиш воситаси эканлигини ўз тажрибамда кўп синаб кўрганман.

Семинар ишини бошқарган Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи Сардор Утапов касаначиликнинг ушбу йўналиши ногиронлиги бўлган, саломатлиги оғир жисмоний меҳнатга монъелик қилувчи одамлар учун жуда қулайлигини айтиб ўтир экан, таъминот ва меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан муаммо бўлмаслиги, касаначиликнинг бу йўналиши билан шуғулланиш истагида бўлганларга маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари беминнат кўмак беришини таъкидлаб ўтди.

Урта Чирчиқ туманидаги маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш ҳаракати ушбу тажриба асосида олиб борилади. Уйинчоқ машиналар рўзғорга реал даромад келтиришда давом этади.

Толиб ҲАКИМОВ,
«Машъал» мухбири.
Аббос ЭРҒАШЕВ олан суратлар.



Давр ва соғлиқни сақлаш

СИФАТЛИ ТАҲЛИЛ – САМАРАЛИ ДАВО

Беморнинг биологик намуналари таҳлилларининг натижалари юқори даражада аниқ чиқиши асосан биологик лабораториялардаги тиббий ускуналар ишининг самарадорлигига боғлиқ.

Бу жиҳатдан қараганда, биз фаолият кўрсатаётган Урта Чирчиқ тумани Тиббиёт бирлашмасига қарашли биологик лабораторияда яқин вақтларга қадар ақсар лаборатор ускуналар маънан эскирган, айримлари эса ярқисиз ҳолга келиб қолганлиги ишимизни анча мураккаблаштиради.

Ҳаётий тажрибалардан маълумки, таҳлил ва ташхис қанчалик аниқ бўлса, даволаш ҳам шунчалик самарали бўлади.

Биз бу муаммоларни ҳал этиш юзасидан Урта Чирчиқ тумани ҳоқими Ихтиёр Касимовга мурожаат қилдик ва туман ҳоқими

мурожаатимизни ўргани чиқиб, ёрдам кўрсатишни ваъда қилди. Орадан кўп вақт ўтмай, туман ҳоқимининг ёрдами билан

лабораториямиз биохимик ва гематомик анализаторлар, биноккуляр микроскоп, термостат, центрофуга, коагулометр,

термоштейкер сингари жами 24 дона таҳлиллар учун ўта муҳим ҳисобланган замонавий лаборатория ускуналари билан таъминланди. Бу эса ишимизнинг сифат ва самарадорлигини тубдан ошириб юборди. Эндиликда инфаркт, инсульт, қандли диабет ва бошқа шу сингари инсон саломатлиги учун жиддий хавф туғдирадиган касалликларни барвақт аниқлаб, уларнинг олдини олиш юзасидан туман аҳлини огоҳ этиш имконияти яна ҳам яхшиланди.

Биз бу имкониятларни яратиб берган туман ҳоқимига ўз миннатдорлигимизни билдирган ҳолда, Урта Чирчиқ тумани аҳолиси учун биологик лаборатор таҳлиллар ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш йўлида астойдил ҳаракат қиламиз.

Шаҳноза АЛИМОВА,
Урта Чирчиқ тумани Тиббиёт бирлашмаси лаборатория бўлими бошлиғи.

САВОЛ ЖАВОБ

Солиқ

– Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга солиқ солиш тартиби қандай?

С. УСМОНОВА
«Ўртасарой» ҳудуди.

Саволга **Нурафшон шаҳри Адлия бўлими Давлат хизматлари маркази шўъба бошлиғи Дилдора МУРОДОВА** жавоб беради:

– Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ушбу бобда назарда тутилган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу Кодексда белгиланган тартибда солиқларни тўловчилар ҳисобланади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олинандиган даромадлар бўйича белгиланган ставкаларда ижтимоий солиқ ва жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи тўлайди.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус зиммасига ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғини ва ижтимоий солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш мажбурияти юклатилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар нотариал хизматлар кўрсатиш бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фойда солиғини ушбу кодексда белгиланган ставка бўйича тўлайди. Бунда фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоботларини тақдим этиш ва тўлаш йилига бир марта, ҳисобот давридан кейинги йилнинг 1 мартдан кечиктирмай амалга оширилади.

Фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи ушбу Кодекснинг 43-бобидан назарда тутилган даромадларнинг барча турлари нотариусларнинг даромадлари деб эътироф этилади.

Нотариал фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар чегирилмайдиган харажатлар жумласига киритилади. Бунда чегирилмайдиган харажатлар ушбу Кодекснинг 317-моддасига мувофиқ аниқланади.

Фойда солиғи тўланганидан кейин хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг тасарруфида қолган фойда солиқ солиш мақсадида дивидендларга тенглаштирилади.

Сервитут

– Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи қай тартибда белгиланади?

О. САЛИМХЎЖАЕВ
«Қорасув» ҳудуди.

Саволга **Урта Чирчиқ тумани Адлия бўлими Юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юрисконсулти А. ИБРАГИМОВ** жавоб беради:

– Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут) – кўчмас мулк (ер участкаси, бошқа кўчмас мулк) эгасининг қўшни ер участкасидан, зарур ҳолларда эса бошқа ер участкасидан ҳам чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқидир.

Сервитут ўзганинг ер участкаси орқали пиёда ёки транспортда ўтиш, ўзганинг ер участкасида дренаж ишлари ўтказиш, ўзганинг ер участкасидан электр узатиш, алоқа линиялари ва қувурлар, ирригация, муҳандислик ва бошқа линиялар ҳамда тармоқлар ўтказиш ва улардан фойдаланиш, ўзганинг ер участкасидан экинзорларни ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини сўғориш учун сув олиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини ўзганинг ер участкаси орқали ҳайдаб ўтиш, ўзганинг ер участкасида ихота дарахтлари экиш ва табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли бошқа объектлар барпо этиш мақсадида белгиланиши мумкин. Шунингдек, сервитут бошқа мақсадларда ҳам белгиланиши мумкин.

Сервитут, уни белгиланиш талаб қилган шахслар билан ўзга ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ва мулкдори ўртасидаги шартномага мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса, суд қарорига биноан белгиланади.

МФЙ

– Маҳаллаларда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қай тартибда ўтказилади?

Қ. ЎЗРОЗОВА
«Туябўғиз» ҳудуди.

Саволга **Нурафшон шаҳри Адлия бўлими Давлат хизматлари маркази бош мутахассиси Ойбек УМАРОВ** жавоб беради:

– Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ишчи

гурухнинг раҳбари раислигида ўтказилади.

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) кун тартибига, қоида тариқасида, санок комиссияси ва фуқаролар йиғини раисини сайлаш масалалари киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси сайлови бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш учун фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан камида уч кишидан иборат таркибда санок комиссияси сайланади.

Фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларни эълон қилади. Шундан сўнг фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларнинг ҳар бирига сўз беради.

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларнинг маърузаси алифбо тартибда ўтказилиб, номзодлар ўзининг келгуви фаолияти дастурини эълон қилади.

Ер

– Ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш тартиби қандай?

А. ҲОШИМОВА
Бектемир ҳудуди.

Саволга **Нурафшон шаҳри Адлия бўлими Давлат хизматлари маркази етакчи мутахассиси Нодир ТОЙМУҲАММЕДОВ** жавоб беради:

– Ер кодексининг 82-моддасига асосан, ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорларининг тупроқ унумдорлиги сақланиши ва тикланишидан, ерларни ишлаб чиқариш фаолиятининг салбий оқибатларидан ҳимоя этилишидан манфатдорлигини оширишга қаратилган бўлиб, ўз ичига қуйидагиларни олади:

- янги ўзлаштирилаётган ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш жараёнида турган мавжуд сўғориладиган ерларга қонунчиликда белгиланган тартибда ер солиғи бўйича имтиёзлар бериш;

- ерларнинг муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш бўйича фаолиятни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларга кам чикит ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этишда солиққа, кредитга оид ва бошқа имтиёзлар бериш;

- ерларнинг сифатини яхшилашни, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этишни, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига мўлжалланган ерларнинг унумдорлигини оширишни, экологик соф маҳсулот этиштиришни рағбатлантириш;

- ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг айби бўлмаган ҳолда

бузилган ерларни қайта тиклаш учун, зарурат бўлган тақдирда, республика бюджетидан ёки маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратиш, агротехника, ўрмон мелиорацияси тадбирлари ва тупроқни ҳимоя қилиш юзасидан бошқа тадбирлар ўтказиш;

- ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг айби бўлмаган ҳолда бузилган ер участкаларини вақтинча консервация қилиш натижасида улардан келадиган даромаднинг камайишини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман қоплаш.

Ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш тартиби қонунчилик билан белгиланади.

Фермерлик

– Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкалари бериш тартиби қандай?

Ғ. ДОНИЁРОВ
Навоий ҳудуди.

Саволга **Нурафшон шаҳри Адлия бўлими Давлат хизматлари маркази етакчи мутахассиси Диёрбек КОМИЛОВ** жавоб беради:

– Ер кодексининг 53-моддасига асосан, фермер хўжалиги – ўзига ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Бўш турган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари фермер хўжалигини юритиш учун электрон онлайн-аукцион орқали берилади.

Илмий-тадқиқот муассасаларига, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларига ўқув, тажриба, нав синаш мақсадлари учун берилган ерлар ҳамда сув фонди ерлари фермер хўжалиқларига берилмайди.

Фермер хўжалиги ишлаб чиқариш мақсадлари учун қонунчиликда белгиланган тартибда ва шартларда ер участкаларини қўшимча ижарага олиши мумкин.

Фермер хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш тартиби қонунчилик билан белгиланади. Унга берилган ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳаёда, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас.

Кредитлар олиш учун фермер хўжалиги ўз мол-мулкни, шунингдек ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйишга ҳақли. Фермер хўжалиги ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз фақат қонунда ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳолларда гаровга қўйишга ҳақли.

2025 йил 28 ноябрь № 48 (9311)


БОШҚОТИРМА

Одатий ҳолатда одамлар бир-бирдан фарқ қилмайди. Яхшилар – манфаатлар тўқнашган вақтда ажралиб кўринади.

Одил ИКРОМ

| | | | | | |
|--------------------------------|---------------------------|-----------------------------|--------------------------------|--------------------------------|-------------------------------|
| Қон босимини туширадиган мева | Туялар қатори | ... Мерфи (актёр) | Қоматга қиёс дарахт | «Лисон ут-...» (Алишер Навоий) | Аҳвол, вазият |
| ...и қочган, касал | «Перфектум ...» | Ҳиндулар қайиғи | Гашт, нашида | Тротуар, йўлка | Мустақиллик, озодлик |
| Муай-... (спорт тури) | Амнистия (Ўзбек) | Уэльс мархума маликаси | ...-тешик бўлиб кетган | Иzza, мулзам | Тескари, терс |
| Троя уруши пахлавони | ... Нури Гунтекин (адиб) | Дағал донли маҳсулот | Мушуксимон йиртқич | Хонанда ... Долина | Телефон идораси (аббр.) |
| «Шифобахш» дўкон | Олий навлинни | «...-хау» (янги технология) | Йигит ... йўлда | Юздаги ажин, бужур | Машхур рус императори |
| Комрон ёри | Режа, лойиҳа (русча) | Реклама чироғи ичидаги газ | Рейн дарёси ирмоғи | ... Арагон (шоир) | UzMobile ... алоқа компанияси |
| Самиул ... (рус болалар шоири) | Кинодаги қонхўр жонзот | ...-сингил | «... тош» (эртақ) | Икки мачтали кема тури | Мунофиқлик |
| Қадимда олимга мурожаат | Кичкина кўзгуча (синоним) | Шабнами ... (хонанда) | Чегарачи иш жойи | «... Амробанк» | Фалсафий таъминот (Ҳинд.) |
| Қилич тури | Замонавий омов (русча) | Кўпи кетиб, ... қолди | Ишда-ўқишда – пешқадам, етакчи | Худо, Тангри | Жаннат гўзали |
| Жуфт, қўшалок | Туркманiston пули | ...-жинс (чилтон) | Ҳаш-... дегунча | «...-н-ролл» (музыка) | Кулоқ, томоқ, бурун врач |
| Жуфт, қўшалок | Унга ўхшаш косметика | Эйтибор, писанд | Жими севгилиси (кинообраз) | ... аъло (самовот) | Сура, дуо |
| ... Маркс (арбоб) | Кийимнинг ташқи қавати | Эдит ... (кўшиқчи) | Ит семирса, ...сини қопади | «Евро» аждоди | Эл-... диёр |
| Чўзиб ўқиш белгиси | Ташки томон, сатҳ | Кенг, яйдоқ | Ёзувчи ва драматург ... Чехов | ...-ишрат, маишат | |

Дарсхона



ҚУЛИЕВ САБОҚЛАРИ

Одамнинг битта ватани бўлади, унга бошқа азиз жой йўқ. Аждодларимиз ватанимизнинг битта тошини ҳам олтинга алмашмаймиз дейишган.

Дейдиларки, вақт ўтиши билан ҳамма нарса унутилди. Лекин бундай эмас, тўғривоғи, ҳеч нарса унутилмайди.

Ғийбатчи ўз онасига тўхмат қилиши, ўғри эса қашшоқнинг охирига тангасини ўғрिलाши мумкин.

Китобларни ўқимасдан яшаш куну тун осмонни кўрмаслик, кўр бўлиш билан барабар.

Қайсин ҚУЛИЕВ

Тафаккур


«ВА» ЙЎҚОЛДИ

У ҳорғин ҳолда уйига кириб келди. Ошхонадан хотинининг норози оҳангдаги даҳшатли овози эшитилди. Унинг саси яна юрагининг ва умрининг бир қисмини узиб олди. Пешонасидаги ҳозиргина кўзиқориндай бўртиб чиққан тери томчиларини артди. У ортиқ ичкарига қадам босолмади. Орқасига ўгирилиб, ёмғирда ивиб кетган палтосига маҳкам ўралиб яна ташқарига чиқди. Вазиятни ўзича баҳолаётган кўшниси тамакини берилиб тортар экан, унга сабр тилади. Кўча бошидаги дўкон очиклигини, йўл четидан бориб келишини айтиб шивирлади. У кўшнисининг қайси тилда гапираётганини ҳам англамади. Ёмғир аралаш шамол тортиб борётган томон бошини елкасига қисиб кетаверди. Хотин алла маҳалгача уни кутди. Ахири эшикни қулфлаб, ухлагга қарор қилди. Эртаси кун, бир ҳафтадан сўнг, ҳатто бир ойдан кейин ҳам у қайтиб келмади. Хотини ёлғизликдан сиқилиб, газетасига эълон берди: «Ва» йўқолди. Топганлар мукофотланади.

Маъруф МЕНГЛИ

Маҳкам Маҳмуд баҳонасида кўнглидан кечган маҳзун иштибоҳни «Тил ва адабиёт таълими» журнали бош муҳаррири Фаррух Жабборов алам билан қисқагина қилиб ёзди: «Ўзбек адабиётига катта ҳисса қўшган муҳаррир Маҳмуд Саъдий, Мурад Хидир, Маҳкам Маҳмуд – афсонавий ўзбек муҳаррирлари учлиги...»

Миллат мураббийлари



Ўққиманим бири, уртаманим болди

Шу кунларда, умр вафо қилиб турганида, улкан салоҳиятли муҳаррирлардан иккитасининг бири ва учтасининг олди бўлган Маҳкам Маҳмуд 85 ёшга тўлган бўлар эди.

Ёзувчи ва олим Хуршид Дўстмуҳаммад «Икки сонет» сарлавҳали мақоласида Шекспир, Маҳкам Маҳмуд ва машҳур сонетларга «Хуррият»часига муносабат билдирган эди. Мазкур мақола шундай бошланади:

«Адабий жамоатчилик орасида Маҳкам Маҳмудовни танимаган, билмаган одам йўқ. Хўп аломат Инсон-да! Турган-битгани, ўйлаган ўйи ижод, зиё, маърифат! Китоб десангиз, Худо берди деяверинг, мириқиб гурунг беради. Орамизда шундай фидойиларимиз борлигига шукур.

Тунов кунни денг, акаминг тахририятга кириб келдилар-у, наридан бери саломалиқдан сўнг муддаога кўчдилар:

– Бир шеър ўқиб берайми, эшитинг...

Ўзи тахририятга келган арз-дод, шикоятларга хуноб бўлиб кўмилиб ўтиргандим, шеър тинглаш кайфиятидаманми-йўқми, бу ёғини суриштириш йўқ.

– Ҳа, ўқинг, – дедим ноилоҳ. Маҳкам ака бошладилар. Шеър шундай тугаган эди:

*Наҳотки, тантана қилади ажсал –
Шу ташвиш дилимни тирнар бир маҳал.*

Ака ихлос билан ўқияптилар-у, кайфиятим шеърият дунёсига кўча бошлади. Сеҳрли, жозибали, руҳга ором бахшида этгучи дунё! Шундай дамларда нафосатли шеър дунёси унут бўлаёзганидан кўксингда бир оғриқ қўзғолади, худди яқин дўстингга хиёнат қилгандек хижолат чекасан.

Маҳкам акадек инсонларга етарли кадр-қиммат кўрсатмаётганинг учун ўзингни айбдор сезасан.

– Шекспирими? – деб сўрадим шеърнинг оҳанги ва фалсафасидан тахмин қилиб.

– Ҳа, Шекспир сонетларидан. Яна

ЭШИТИНГ:

*Бундай яшагандан ўлган яхшироқ,
Нодонлар иззатда, азизлар – тунроқ,
Софдил одамлардан қулар қазоблар,
Олимни масҳара қилар қассоблар...*

– Узингиз ёздингизми? – деб тўхтатдим Маҳкам акани. – Шекспирдан таржима эмасми?

– Йў-ўқ, ўзимники эмас, Вильям Шекспир бор-ку, машҳур инглиз шоири, драматурги. Ушанинг бб-сонети. Қулоқ солинг...

Бундай ўйлаб қаралса, ўзи эмас, матбуот ва адабиёт олдидаги маънавий бурчи Маҳкам Маҳмудни тахририятга бошлаб келганига амин бўлаемиз. Йўқса, олти юз йиллар илгари яшаб ўтган шоирнинг, қолаверса, у хорж адибининг сонетини таржима қилиш-у, уни газетага чиқаришдан бу кишига неча пуллик манфаат бор, дейсиз?!

Олимлар юлдузларга ўхшайди. Бор ҳақиқат шу. Ва айнан «олимлар» дейилишида ўзгача ҳикмат бор. Ҳар кимга ҳам чинакамига олимлик мақоми насиб этавермайди. Тасодифан кириб қолганлар бундан мустасно. Шу маънода таниқли муҳаррир, адабиётшунос олим Маҳкам Маҳмуддан катта мерос қолганини қайд этиш лозим. Унинг таржимаи ҳолидан ўқиймиз:

– «Бибихоним», «Шоҳлар маликаси», «Мовароуннаҳр юлдузи», «Султон Маҳмуд Ғазнавий», «Бойсунғур ибн Шоҳруҳ», «Имом Зайниддин Ғаззолий» каби қисса, ҳикоя ва бадиалари тарихий мавзуларда яратилган бўлса, «Мен – мен эмасман», «Тескари кўзлар сайёраси», «Сирли қаср», «Мангу куй излаб» сингари асарларида эса у фантастик жанрга қўл урди.

Адабиётшунос сифатида ҳам самарали ижод қилган. Унинг «Талант ва ижод фалсафаси», «Абадият лаҳзалари», «Ҳайрат ва тафаккур» каби асарлари адабий ва илмий жамоатчилик эътиборига тушган.

Дарҳақиқат, зиёлилар даврасида Маҳкам Маҳмудни ҳазиллашиб, «Ўзбекининг Сахарови» деган гап кўп бора айтилган. Ҳалоллиги, ростгўйлиги ва илмга фидойилиги боис шундай таъриф берилганига шубҳа йўқ.

Исроил УСМОНОВ



Бир жуфт шеър

Адиба УМИРОВА

– Кузда келаман, – деб,
шивирланг бир бор,
Ғамларни орқалаб кетар чоғ мавҳум.
Гулдек сўлиб бораётган дунёнинг
Юзига югурсин тирик табассум.

Тўхмат, гийбат нима?
Ҳаёт нимадир –
Умр эриётган баҳордек қисқа.
Хазондек тентираб сизмас оламга
Иккимиздан қолган бир гўзал гусса.

Дарбадар шамолдек кезиб боғларни,
Ҳеч нега қарамай унсиз қутарман.
Сизни кўрмоқ, учун қиёматда ҳам
Атиреулдек титраб тириладурман!

Афсус, сиз келмайсиз, бу қўлларимдан
Энди ўлим келиб ўпади беун.
О, бу кутиш худди қабр каби оч,
Абадият каби нақадар узун...

2025 йил, октябрь.

Мезон боғларини кезиб саросар
Сумбуллар кўнглимни ўқийётганда...
Кимнингдир юраги бахтдан ёрилиб,
Мен ҳақимда шеърлар тўқийётганда,

Настарин ҳавога кўмиб исмиمنى
Кўксимда муаззин тонлар отганда,
Кимдир мени эслаб тушларида ҳам
Бир чиройли ҳаёл сураётганда...

Тақдир аяганда, кечирганда вақт,
Бахт йўқлаб келганда қутилмаган он.
Кўлимни чўзардим кимга бўлса ҳам
Ўзинг айт,
Мен қайда эдим, Художон?

2025 йил, ноябрь.



Вақда

Мен ҳеч қачон боғчада овқатланмаганман, уйдан ёки кўчадан овқатланардим. Чунки турмуш ўртоғим «болалар ҳақини еб қўясан ўзинг билиб билмай, ҳеч курса ўша ерда таомланасан-ку», – дея анча пайт боғчада ишлашимга рухсат бермаганлар. Мен эса ишимни жуда яхши кўрардим. Шунинг учун у кишига ваъда бердим: боғчадан туз ҳам тотмаганим бўлсин, деб. Ва бир умр шу ваъдамга риоя қилиб яшайди.

Хадича ВАФОЕВА,
академик Ботирхон
Валихўжаевнинг
рафиқаси.

Ёндафтарга

Бу оламда йўқотишлар ичидаги энг оғир йўқотиш инсоннинг ўзлигини йўқотишидир. Одамзод тафаккур ва эҳтирос, руҳият ва имон дунёсида яшайди. У юрагидаги эътиқод билан, ишонч билан тирик ва бутун. Ўзликни йўқотмоқ ана шу оламдан жудо бўлмоқдир, инсон иморатидаги рукнларнинг – устунларнинг синмоғидир.

Эркин ВОҲИДОВ

Бахт ва бахтсизлик бир-бири билан зулмат ва ёруғлик каби муносабатда бўлмайди. Зеро, бахт ва бахтсизлик бир вақтнинг ўзида бирга мавжуд бўла олади.

Дени ДИДРО

Афандининг гапи тўғри...

Тошкент ҳавоси ва тамаки тутунининг фарқи – сигарет чекканда ҳеч бўлмаса озроқ кайф қиласан.



Ўзбекининг сўзи қизик

«Тишининг қавагида сақлайди»

Ғанимат, омонат, энг тансиқ, топилмас матоҳга нисбатан шундай дейилади. Подшоҳлар энг ноёб ганж, ёқут, гавҳар, олмосларини қаро кун учун «тишларининг қавагида сақлаганлар». Камбағал бисотидаги ота-боболаридан мерос қолиб келатган узук, зирак каби яққаю ягона бойликларини тиш қавагида сақлаб келади. Ноёб, қимматбаҳо, қадрли буюмлар ҳақида, кўз қорачиғидек асраладиган нарса хусусида шу ибора қўлланилади.

Маҳмуд САТТОР



Карикатура

Рисом: Хусан СОДИҚОВ

Об-ҳаво Нурафшон шаҳри ва Ўрта Чирчиқ тумани учун (28.11.2025 й. – 5.12.2025 й.)

| 28 ноябрь | 29 ноябрь | 30 ноябрь | 1 декабрь | 2 декабрь | 3 декабрь | 4 декабрь | 5 декабрь |
|------------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| | | | | | | | |
| +15 +11 | +12 +3 | +11 +3 | +12 +2 | +13 +3 | +14 +6 | +11 +6 | +9 +4 |

| | | | | | |
|---|--|--|--|--|--|
| <p>МАШЪАЛ</p> <p>Муассислар: Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги, Нурафшон шаҳри ҳокимлиги</p> | <p>Бош муҳаррир Отабек ИСРОИЛОВ</p> | <p>Жамоатчилик Кенгаши Ихтиёр КАСИМОВ Илҳом КЛИЧХАНОВ Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ Насиба КУЛБЕКОВА Малика ХЎЖАЕВА Муҳаммаджон ОТАҚУЛОВ Фотима ТУХТАНАЗАРОВА</p> | <p>Манзилими: 111500, Нурафшон шаҳри, «Тошкент йўли» кўчаси, 123-уй.</p> <p>Телефон: Бош муҳаррир: (99) 850-30-27</p> <p>ISSN 2181 – 7642 Нашр кўрсаткичи – 7024</p> | <p>Газета Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2018 йил 16 октябрда № 03-026 рақами билан қайта рўйхатга олинган.</p> <p>Босишга топшириш вақти 17:00 Топширилди – 19:55.</p> | <p>Дизайнер: Умида ҲАЙДАРОВА</p> <p>Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ</p> <p>Босмаҳона манзили: Ўрта Чирчиқ тумани, «Оқ ота» худуди, «Машъал» маҳалласи, «Марказий» кўчаси 1-уй</p> <p>Навбатчи: Анора КАРИМОВА</p> |
|---|--|--|--|--|--|